

Нақшбандия тариқати қарашлари – таълим ва тарбиянинг ўзига хос технологияси сифатида.

Миллий меросимизни ўрганар эканмиз ўтмишдаги буюк мутафаккирларнинг илмий-иждоий меросининг ғоявий асосини иймон, эътиқод, ихлос, ҳалоллик, поклик ташкил этганлигини англаб етамиз. Исломда кўрсатилишича, иймон инсон хулқини тартибга солувчи муҳим маънавий мезон ҳисобланади. Инсон хулқ-атворининг даражаси ундаги иймоннинг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишда миллий-маънавий меросимизга таянар эканмиз бу муборақ ишда нақшбандия тариқати қоидалари ҳам катта аҳамият касб этади. Бу таълимотга кўра ижобий инсоний хислатлар фарз, ёки “вирд”лар даражасида бўлиши лозим. “Вирд”, ёки “аврод” арабча сўз бўлиб, инсонни тарк этмайдиган, бажарилиши одат тусига кирган ҳаракатлардир [4].

Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия тариқатини тўлиқ ва мукаммал ниҳоясига етказган улуғ сиймодир. Бу тариқат Ислом оламида кенг тарқалган, катта обрў қозонган таълимотдир, бунинг асосий сабаби унинг инсонпарварлиги ва халқчиллигидадир. Кўпчилик сўфийлик тариқатларида инсоннинг салбий хусусиятларидан қутулиш, ижобий сифатларини эса ривожлантириш учун халқдан ажралиб, тарки дунё қилиб, Ҳаққа етиш йўллари тарғиб қилинган бўлса, хожагон тариқати асосида қурилган нақшбандия таълимотида эса бу масала ўта ҳаётий, реал ва халқона ечим топган. Нақшбандия таълимотига кўра шахс, солиқ халқ орасида, халқ билан бирга бўла туриб, ўзидаги номатлуб хусусиятлардан халос бўла олиши, ўз-ўзини кузатиши, тузатиши, тарбиялаши орқали бунга эришиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, инсон ўзидаги ижобий хислатларни ҳам машқ (тренинг) қилиши, ўз-ўзини тарбиялаши орқали янада баркамол қилиш имкониятлари борлиги таъкидланган. Инсоннинг ҳалол, пок хулқ-атвори нафақат унинг ўзи учун, балки ўзгалар учун ҳам фойдалидир. Шунинг учун ҳам нақшбандия таълимоти инсондаги яхши хулқ-атвор: адолатпарварлик, инсонпарварлик каби саъи-ҳаракатларни халқдан ажралмасдан туриб, бу

сифатларни у энг аввало ўз-ўзида пайдо қилиши ва кейинчалик эса бошқаларни ҳам ҳалол, меҳр-мурувватли, адолатпарвар, пок ва иймонли бўлишга даъват этиши зарур.

Хожагон, кейинчалик нақшбандия, деб аталган тариқатнинг рашҳалари жами ўн биттадир, унинг дастлабки тўртта қондаси (рашҳаси) Абу Юсуф Ҳамадоний (милодий 1049-1141 йиллар, 92 ёшда вафот этганлар) томонидан тартиб берилган, булар: 1. Ҳуш дар дам, 2. Назар бар кадам, 3. Сафар дар ватан, 4. Хилват дар анжумандир.

Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний (милодий 1103-1179 йилда, 76 ёшда вафот этганлар) устози Юсуф Ҳамадоний яратган тўрт қондани (рашҳани) ўзининг тўрт рашҳаси (қондаси) билан бойитди, булар: 5. Ёд қард, 6. Бозғашт, 7. Ниғоҳдошт, 8. Ёддоштдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (милодий 1318-1389 йиллар, 71 ёшда вафот этганлар) бу таълимотни янада кенгайтди, бойитди ва унга яна учта қондани қўшди, натижада нақшбандияни мукаммал сулук-тариқат даражасига етказди, бу қондалар: 9. Вуқуфи замоний, 10. Вуқуфи ададий, 11. Вуқуфи қалбийдир. Мазкур таълимот ғарбу Шарқда, бутун мусулмон оламида нақшбандия таълимоти сифатида кенг танилди. Ҳозирги кунда инсонда эзгулик, ҳалоллик, поклик каби юксак хулқ-атвори пайдо қилиш ва инсонни комилликка етаклашда нақшбандия тариқати қондаларини (рашҳаларини) таълим-тарбияда қўллаш давр тақозосидир.

Баҳоуддин Нақшбанд тарбия ва қобилият ўртасидаги тафовутни ажратиб: тарбия-шахсга инсонийлик сифатларини сингдириши, уни ҳақиқий инсон бўлиши учун парвариш этиш бўлса, қобилият эса бирор бир фаолиятга шахснинг лаёқатидир (индивидуал – психологик хусусиятидир). Киши ўз қобилиятларини жуда эҳтиёт қилиши зарурлигини, солиқни ёмонлар суҳбатидан узоқда бўлиши кераклигини айтади, у тарбия таъсирида қобилият тўла намоён бўлишини кўрсатади.

Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолот йўлини маърифатли бўлишда, деб билади. Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифий қарашлари, ҳозирги кунда

баркамол авлодни тарбиялашда, уни маърифатли бўлишга ундайди ва комил инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг илми ладуний ҳақидаги ғоялари ёш авлодни маърифатли қилишнинг кенг йўл ва усуллари, имкониятлари борлигини кўрсатади. Нақшбандия таълимотига кўра “хуфия зикр”и ҳалол луқма ва ўз меҳнати билан кун кўриш инсонни риёдан поклайди, унинг қалбида ҳасад, кибр, таъмага ўрин қолдирмайди. Бу тариқат йўлини танлаган солиқ ўз касбу кори орқасидан ўзини, ўз оиласини таъминлабгина қолмай, улар ўз ота-оналари, қариндош-уруғлари, фарзандлари олдидаги бурчларини ҳам тўла адо этадилар, шунингдек, муҳтожларга ҳам ёрдам бера оладиган чиройли хулқ эгалари бўладилар. Улар зарарли таъсирлардан: гуруҳбозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, маишатпарастликдан йироқ юрадилар, ёмон иллатларга онгли равишда яқинлашмайдилар ва шу туфайли элда эътибор топадилар. Бунда нақшбандия тариқати рашҳалари – таълим ва тарбиянинг ўзига хос омиллари сифатида катта ёрдам беради.

**Г.К. Зарипова,
БДУ ўқитувчиси.**